

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Содиқова Шохида Марҳабоевна,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
давлат бошқаруви академияси профессори вази фасини бажарувчи,
социология фанлари доктори
e-mail: sodikovashohida@rambler.ru

**БОШҚАРУВДА РАҚАМЛИ СОЦИОЛОГИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ
МЕТОДЛАРИ**



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9556-2019-5-2>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада бугунги кунда ўзгаришлар жараёнида ахборот технологияларини янада ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, мамлакатимиздаги ислохотларни янада такомиллаштиришда рақамли социология ва унинг методларидан фойдаланиш имкониятлари очиқ берилган.

Таянч сўзлар: социология, рақамли социология, киберсоциология, интернет социологияси.

Содиқова Шохида Марҳабоевна,
и.о. профессор, доктор социологических наук
Академии государственного управления
при Президенте Республики Узбекистан
e-mail: sodikovashohida@rambler.ru

**ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МЕТОДОВ ЦИФРОВОЙ СОЦИОЛОГИИ В
УПРАВЛЕНИИ**

АННОТАЦИЯ

В данной статье раскрываются возможности дальнейшего развития информационных технологий, обеспечения информационной безопасности, использования цифровой социологии и ее методов для дальнейшего совершенствования реформ в стране.

Ключевые слова: социология, цифровая социология, киберсоциология, социология интернета.

Sodikova Shokhida Markhabaevna,
Professor, Doctor of Sociology, Academy of Public
Administration under the President of the Republic of Uzbekistan
e-mail: sodikovashohida@rambler.ru

THE USE OF DIGITAL SOCIOLOGY IN MANAGEMENT

This article reveals the possibilities of further development of information technologies, ensuring information security, the use of digital sociology and its methods in further improving reforms in the country.

Keywords: sociology, digital sociology, cyber sociology, internet sociology

Forcitation: Sodikova Shokhida. The use of digital sociology in management. International Journal of Social Studies. 2019, vol. 1, issue 5, pp. 11-16

Хозирги даврда рақамли иқтисодиёт ва у билан боғлиқ бўлган бир қанча самарадор технологиялар ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда. Худди шунинг учун ҳам, давлат ва жамият тараққиётини янада жадаллаштириш мақсадида давлатимиз раҳбари бир қанча муҳим қарорларни қабул қилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2018 йил 28 декабрдаги 2019 йил учун энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида [1]мамлакатимизда "Рақамли Ўзбекистон-2030" дастурини ҳаётга тадбиқ этишимиз зарурлигини таъкидладилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги "Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5349-сон Фармони ижро этиш борасида[2], шунингдек, республикада рақамли иқтисодиётни давлат бошқарув тизимида замонавий ахборот технологияларни ривожлантириш бўйича шароитлар яратиш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўз навбатида айтиш жоизки, бугунги кунда интернет билан боғлиқ бўлган тадқиқотларда "рақамли социология" атамаси камдан кам ҳолларда қўлланилади. Бундай тадқиқотлар киберсоциология, интернет социологияси, онлайн жамоаларининг социологияси, ижтимоий медиа социологияси, кибер маданият социологияси ва бошқалар уларнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради.

"Кибер" атамаси [3] 1990 йиллар ва 2000 йилларнинг бошларидан буён қўлланилаётган бўлиб, аммо ҳозирги даврда баъзи тадқиқотчилар "рақамли" атамаси билан алмаштирилмоқда, чунки интернет иш столи компьютеридан мобил қурилмаларга ўтиш билан боғлиқ равишда янада кенг тарқалган бўлиб, фойдаланувчи доимий равишда тармоққа уланган бўлиши мумкин.

Рақамли социология билан киберсоциология бир хил масалалар билан шуғулланиб, мобил компьютерларнинг янги даврига кириб келади.

2012 йилдан бошлаб, социолог олимлар рақамли социологиянинг мавзуларини аниқлашга, шунингдек, уни илмий тадқиқот ва ўқитиш соҳаси сифатида оммалаштиришга эътибор қаратадилар. 2015 йилда австралиялик социолог Д.Лаптон "Digital Sociology" китобини нашрдан чиқарди, 2010 йилда эса америкалик социолог Д.Фаррелл и Дж. Петерсон веб-маълумотлар ёрдамида рақамли социология методларидан фойдаланиб тадқиқот ўтказди. 2012 йилда рақамли социологиянинг институционаллашуви Буюк Британияда бошланди, жумладан, М.Карриган, Э.Хэд ва Х.Девис, рақамли социология учун тавсиялар рўйхатини ишлаб чиқиш учун мўлжалланган янги тадқиқот гуруҳини тузишди[4, - Б.72]. Шундан сўнг, 2013 йилда "Digital Sociology: Critical Perspectives" деб номланган биринчи тўплам нашрдан чиқди. 2015 йилда Нью-Йоркда илк бор рақамли социология бўйича биринчи конференция ўтказилди.

Бугунги кунда рақамли социология (Digital sociology) узоқ тарихда асосланган бўлиб, фанлараро йўналиш ҳисобланади ҳамда интернет, ахборот ва коммуникация, медиа назарияси, маданий тадқиқотлар, илм-фан ва технология, социология, компьютер фанлари ва мониторинг тадқиқотларини ўрганadi. Рақамли социология янги медиа ва интернет коммуникация шаклларини, савдо-сотиқ ва ўзаро таъсирни, ижтимоий тармоқларни ва жамоаларни, ижтимоий институтларни ва шахсларни ўрганишга қаратилган. Шунингдек, у социологиянинг асосий муаммоларини акс эттирувчи амалиёт бўлиб, янги методларни ўрганиш ва тажриба қилиш имконини беради.

Бошқарувда рақамли социологиядан фойдаланишнинг асосий илмий йўналишларининг мавзулари қуйидагича:

1) рақамли медиа воситаларини профессионал мақсадлар учун ишлатиш, яъни тармоқлар, электрон профиллар, нашрлар, илмий тадқиқотлар ва аҳолини ўргатиш.

2) рақамли ахборот воситаларидан фойдаланишни ижтимоий таҳлил қилиш, фуқароларнинг шахсий ҳис-туйғуларини, ижтимоий муносабатларини шакллантирадиган усулларини ўрганиш.

3) рақамли маълумотларни таҳлил қилиш, ижтимоий тадқиқотлар, миқдорий ёки сифат учун рақамли маълумотлардан фойдаланиш.

4) танқидий рақамли социология: ижтимоий ва маданий назариялардан фойдаланган ҳолда рақамли медиа маълумотларни акс эттирувчи танқидий таҳлил қилиш.

Бошқарувда рақамли социология кўплаб саволлар ва ҳодисаларни қамраб олсада, уларнинг баъзилари алоҳида қизиқиш уйғотади.

Уларга қуйидагилар киради:

- АКТнинг ижтимоий муносабатларга таъсири, шунингдек, ёшлик даврида дўстларнинг кўпайшида ахборот воситаларининг роли, смартфон фойдаланувчилар орасида ахлоқ қоидаларини шакллантириш, тез ўзгариб бораётган дунёда романтик муносабатларга таъсир этиш;

- раҳбар кадрларнинг Facebook ва Instagram каби ижтимоий медиа профилларини яратиш, фотосуратлар орқали ўзини, фаолиятини намойиш этишида АКТ мазкур жараёнларнинг бир қисмига айланиши;

- АКТ ва ижтимоий ахборот воситалари сиёсатга, фаолликка ҳамда ташвиқотга жуда катта таъсир ўтказadi. Масалан, баъзи социологлар Facebook профилидаги тасвири ўзгарганлиги билан қизиқса, бошқалари онлайн фаоллик орқали дунёдаги ёки мамлакатдаги муаммоларни ҳал қилишда қандай таъсир қилиши мумкинлиги бўйича фикрлар билдириш;

- экстремистик гуруҳлар, маргиналлашган гуруҳлар орасида АКТ ва интернетнинг гуруҳига аъзо бўлиш ва жамоаларни шакллантириш жараёнарига таъсир этиш.

Интернет социологиясида раҳбар кадрлар учун, социологлар учун ҳам энг муҳим масала - рақамли социология ҳисобланади. Бу тарихий жиҳатдан АКТ ва интернет ресурсларига кириш имконини берувчи интернет блокерларини бойитиш усулини назарда тутadi. Тадқиқотнинг асосий йўналишлари бугунги кунда ривожланган ва ривожланаётган жамиятларда кўпинча медиатизация, деб аталади. Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари инсонни ҳар бир қадамда кузатиб боради ва медиалаштиради.

Биз компьютерларда ишлаймиз, веб иловаларда дўстлар, танишлар, қариндошлар, фуқаролар билан мулоқот қиламиз, таълим соҳасида интерфаол доскалар ва рақамли моделлаштиришдан фойдаланамиз. Аксарият ҳолларда бугунги кунда ижтимоий ташкилот ва идоралар интернет, тегишли дастурий таъминотсиз ишлай олмайди. Бугунги кундаги ўзгаришлар жараёнларидаги ижтимоий тармоқлар - Facebook, Vkontakte, Twitter ва бошқалар машҳур бўлиб, фойдаланувчиларга "жонли эфир"га ҳаётларидан олиб чиқиш имконини беради.

Ушбу тенденцияларнинг натижаси янги ахборот воситаларида ахборот ва ижтимоий фаолиятнинг ўсиши ҳисобланади. Бугунги кунда инсоннинг ҳар бир ҳаракати рақамли из қолдиради, бу замонавий ижтимоий тадқиқотларни бутунлай янги босқичга олиб чиқишга имкон яратади.

Ҳар қандай ўзаро таъсир излари, хатти-ҳаракатлар, телефон қўнғироқлар, SMS хабарлар, GPS ва мобил алоқа технологияси туфайли инсонларнинг ҳаракати, излари сақланади, социологлар бунга таҳлил қилиши ва таққослаши мумкин. Бундан ташқари, инсон ҳатти-ҳаракатларини рўйхатга олиш, деярли бутун жамият миқёсида амалга оширилади.

Бошқарувда рақамли социологиянинг таъсири қандай? Шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этади, янги тадқиқотларни прогноз қилиш имкониятларини беради. Бугунги кунда, биз фақат унинг таъсири остида бозорда юзага келадиган потенциал имкониятлар ва ўзгаришларни олдиндан белгилашимиз мумкин. Бироқ, бундай тадқиқотларнинг ижобий томонлари билан бир қаторда табиатнинг ахлоқий масалалари ҳам вужудга келади. Улар ижтимоий манипуляция усулларини такомиллаштириш учун фойдаланилмайди. Бу жамият устидан тоталитар назоратни кучайтиришга олиб келади. Ушбу турдаги саволлар шунга кўрсатадики, тадқиқотларнинг аниқлиги ошиб боради ва уларнинг натижалари учун жавобгарлик ва масъулият ҳам кучайиб боради. Ўзгаришлар жараёнининг муаммолари бўйича илмий тасаввурлари рақамли ижтимоий тадқиқотларнинг янги йўналишини олиб борадиган хавф ва ахлоқий муаммоларнинг мувозанатини ҳисобга олиш заруратини туғдиради.

Ижтимоий муаммоларни аниқ ташҳислаш учун жуда кўп маълумотлардан, яъни шахслар ва гуруҳларнинг фаолиятдан келиб чиқадиган рақамли маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Компьютерлар билан жиҳозланган тегишли иловалардан социологлар ва тадқиқотчилар уларни ҳал қилиш назарияларини илгари сурадилар, давлат тузилмалари ва бизнес секторлар таклиф қилган ечимларни ҳаётга тадбиқ этиб, уларнинг натижаларини тижоратлаштирадilar.

Шундай қилиб, илм-фан, янги технологиялар ва иқтисодийнинг синергияси янада очик ва демократик жамиятни шакллантириш ва ривожлантиришда ёрдам бериб боради.

Рақамли социология методлари. "Социология" ижтимоий муносабатлар жараёнида шахслар ва гуруҳлар ўртасида юзага келадиган сабаб-оқибат муносабатларини ошкор қилиши, инсон хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги фан ҳисобланади. У анъаналар, тузилмалар ва институтларни, гуруҳлар ва ташкилотларнинг инсонларнинг хулқ-атворида ва характерида таъсирини ўрганadi.

Агар интернет ижтимоий муҳит бўлса, виртуал маконда хатти-ҳаракатни кузатиш муҳим аҳамият касб этади. Интернет социологияси (киберсоциология, виртуал социология, онлайн социология) - интернетда ўтказиладиган тадқиқот тури бўлиб, унинг предмети компьютер воситасида шахслараро мулоқот

жараёнида юзага келадиган жамоалардир. Бунда тармоқ ўз фаолиятининг турли соҳаларида (саломатлик, мулоқот, қизиқишлар, сиёсат, раҳбар фаолияти) фойдаланувчилар (сайтлар, блоглар, ижтимоий тармоқлар, форумлар, википедия сайтлари ва б.) томонидан маълумотлар тўплами сифатида қаралади.

Асосий социологик онлайн методлардан бири – кузатиш бўлиб, у қуйидаги турларга ажратилади:

1) кузатув – тадқиқотчининг ўзи интернет хизматидан фойдаланувчи ҳисобланади (масалан, портал, интернет-магазин, ижтимоий медиа: блоглар ва микроблоглар, виртуал тармоқ, ижтимоий тармоқ Facebook, Twitter) ва билишни истаган муҳитга меса келади ҳамда гуруҳга тўлиқ аъзо бўлишни талаб қилади.

2) пассив кузатув – тадқиқотчи фойдаланувчиларнинг ташқи фаолиятини кузатади, уларнинг хатти-ҳаракатларига таъсир қилмайди.

3) пассив қўшилган кузатув оралиқ хусусиятга эга: тадқиқотчи фаол, гуруҳ ичида ишлайди, лекин унинг фаолиятида тўлиқ иштирок этмайди, мақсадлар амалга оширилади.

Рақамли социологиянинг ўрни ва аҳамияти умумий ижтимоий тадқиқотлар доирасида унинг ўрни ва талабига боғлиқ. Биринчидан, бу тушунтириш модели қўшимча манба бўлиши мумкин. Унинг устуворлиги шундаки, қўшимча маблаб талаб этилмайди. Иккинчидан, бир вақтнинг ўзида бир нечта усулларни бирлаштириб қўлланилиши мумкин. Ўз навбатида, асосий усулларнинг ҳолати ижтимоий тадқиқотлар объектининг хусусиятларини, масалан, ижтимоий ҳаётни ҳисобга олиш зарур. Бироқ, тадқиқот амалиёти шуни кўрсатадики, социолог кўплаб қийинчиликларга дуч келиши мумкин, масалан, онлайн режимида виртуал тармоқда диний масалаларни талқин қилишда иштирок этиши. Мазкур методологик муаммолар универсал характерга эга.

Социологнинг дуч келадиган биринчи муаммолардан бири унинг субъектларга нисбатан позицияси билан боғлиқ. Савол туғилади: тадқиқотлар қай тарзда ўтказилиши керак – очикми ёки ёпиқ? Бу эса тадқиқотлар ва ундан олинган маълумотларнинг сифати ва ишончлилигига боғлиқ. Кўпинча, тадқиқотчи ўзини ошкор этиб, фойдаланувчиларнинг бошқа вазиятда тақдим этилмайдиган маълумотларини, материалларини у билан баҳам кўришга тайёр бўлишга эришиши мумкин (бу нафақат интернет фойдаланувчилари сўзлари, балки шахсий расмлар, видеолар).

Виртуал макон одатда махсус фойдаланувчиларга эга бўлиши мумкин бўлган шахсий жойдир, шунинг учун тадқиқотчи баъзан ўзи эмас, балки тадқиқот ниятларини яшириб, инсонларни алдашга мажбурдир.

Шуни таъкидлаш кераки, кўплаб гуруҳлар ёпиқ, элита характерга эга бўлиб, иштирокчиларнинг ишончини қозониши қийин. Бунда қандай йўл тутиш керак? Кўп нарса раҳбарнинг ўзи ва унинг стратегиясига боғлиқ, ҳар бир муаллифнинг онлайн тадқиқотида ахлоқий нуқтаи назардан ҳам яқинлашиши керак бўлган ҳақиқий шахсни яшириш кераклигини эсга олиш керак. Тадқиқотчи бундай вазиятларда ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди, аммо олинган маълумотлар жуда юзаки бўлиши мумкин. Кўпинча, фақат гуруҳ ҳаётида иштирок этиш муаммоларни билиш ва тушунишга ёрдам беради. Бундан ташқари, гуруҳда тўлиқ иштирок этиш тадқиқот объекти ёки мавзусини идеаллаштиришга олиб келиши мумкин.

Тадқиқот жараёнида социолог унинг роли учун чегара белгиланиши керак. У қўтилган жавобни мажбурламаслик учун ўз субъективизмининг назорат қилиши лозим.

Агар веб фойдаланувчилар билан яқин муносабатда суҳбатлашиши кучайтирилса, унда бу тўпланган маълумотларни объектив таҳлил қилишга, хулосалар чиқаришга таъсир кўрсатиши мумкин. Тадқиқот материалларини режалаштириш, йиғиш ва таҳлил қилиш босқичида пайдо бўлган методологик масалалар алоҳида гуруҳлардан иборат бўлиши зарур. Шубҳасиз, танлов мезонлари, масалан, веб-сайтлар учун янгилиниш тезлиги, ташрифлар сони, қарашлар ёки фойдаланувчилар орасида сайтнинг бошқа машҳурлик кўрсаткичлари бўлиши мумкин. Тармоқда инсонлар турли соҳа мутахассиси сифатида кўриниши мумкин. Интернет фойдаланувчилари тўғрисида тўлиқ ва аниқ маълумотлар олиш мушкул, чунки виртуал маконда инсонлар турли қиёфадаги "маска"ларни кийиб олиши шубҳасиздир.

Социологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, реал ҳаёт билан виртуал тармоқлар ўртасида қандай боғлиқлик мавжудлигини аниқлаб беради. Шунинг учун интернетдаги кузатув ижтимоий тадқиқотларнинг бир қисми бўлиши керак. Кўпгина тадқиқотларда оптимал ечим, интернет тадқиқот ва анъанавий тадқиқотлар ҳаётнинг икки томонини онлайн ва офлайн режимида қамраб олиши тавсия этилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг олий мажлисга мурожаатномаси. [Электрон ресурс]URL: https://www.norma.uz/muhim_voqealar/uzbekiston_respublikasi_prezidenti_shavkat_mirziyevning_oliy_majlisga_murojaatnomasi
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги "Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ-5349-сон Фармони. - Тошкент, 2018.
3. Lupton, D. Digital Sociology: An Introduction. Sydney: University of Sydney, 2002. [Электронресурс]URL: <http://hdl.handle.net/2123/8621>
4. Луман Н. Общество как социальная система / пер. с нем. А.Антоновского. - М.: Логос, 2004. - С. 72.